

## ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИНИ ТАШКИЛИЙ БЎЛИНМАЛАР ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

**Саидов Жасурбек Сатимбаевич**

Тошкент шаҳар ИИББ Ташкилий бошқарма  
бошлиғининг ўринбосари, подполковник  
<https://doi.org/10.5281/zenodo.10438937>


**Аннотация:** Мазкур мақолада ички ишлар органларида Ташкилий бўлинмалар фаолиятини такомиллаштириш зарурати миллий тажриба ҳамда Республиканинг ҳудудлари, пойтахт Тошкент шаҳри ҳамда бевосита Ички ишлар вазирлигидаги бевосита амалий фаолият асосида ўрганилди. Шунингдек, ички ишлар органларининг хизмат фаолиятини ташкиллаштириш, назорат қилиш ҳамда тўғри йўналтиришда Ташкилий бўлинмаларнинг роли, бу борадаги айрим назарий ва амалий муаммолар ёритилган бўлиб, шундан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорига ўзгартириш киритиш ва ёки янгидан қарор лойиҳаси ишлаб чиқиш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Калит сўзлар:** ташкилий бўлинмалар, ахборот-таҳлил фаолияти, назорат, мувофиқлаштириш, режалаштириш, стратегия.

Мамлакатимизда мустақиллик йилларида амалга оширилган кенг кўламли ислохотлар миллий давлатчилик ва суверенитетни мустаҳкамлаш, хавфсизлик ва ҳуқуқ-тартиботни, жамиятда қонун устуворлигини, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик муҳитини таъминлаш учун муҳим пойдевор бўлди.

Бу борадаги ишларни изчил давом эттириш, шунингдек давлатимизни янада барқарор ва жадал суръатлар билан ривожлантириш учун мутлақо янгича ёндашув ҳамда тамойилларни ишлаб чиқиш ва рўёбга чиқариш, ислохотлар самарасини янада ошириш, давлат ва жамиятнинг ҳар томонлама ва жадал ривожланиши учун шарт-шароитлар яратиш мақсадида, муҳтарам Президентимиз ташаббуслари билан Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси ишлаб чиқилди.

Бу борада 2017 йил 7 февраль кунги ПФ-4947-сонли Фармон билан 2017 - 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг **бешта** устувор йўналиши тасдиқланиб, **иккинчи устувор йўналиш** айнан “Қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислох қилиш” деб номланди.



Айнан мазкур норматив ҳужжат асосида ички ишлар органларида жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш тизимини такомиллаштириш борасида кенг кўламли ислоҳотлар ўтказилди.

Жумладан, ички ишлар органлари тизимини такомиллаштириш, уларнинг қўйи бўғинларини аҳолига янада яқинлаштирган ҳолда мустаҳкамлаш, барча даражадаги тузилмаларнинг вазифалари ва функцияларини аниқ белгилаш, замонавий хавф-хатарларни ҳисобга олган ҳолда куч ва воситаларни оқилона тақсимлашга қаратилган кенг қамровли ишлар амалга оширилди.


Амалга оширилган чора-тадбирлар ички ишлар органлари ролини ошириш, уларни ҳар бир ходим томонидан ўз хизмат бурчи - «Халқ манфаатларига хизмат қилиш»ни сўзсиз бажарадиган ижтимоий йўналтирилган профессионал тузилмага айлантириш имконини берди.

Шу билан бирга, ички ишлар органларининг кундалик фаолиятини ташкил этишда қатор тизимли камчиликларни бартараф этиш, куч ва воситалар бошқарувининг мувофиқлаштирилишини сифат жиҳатдан яхшилаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашишнинг мақсадли назорат-таҳлилини таъминлаш, ички ишлар органлари фаолиятига самарали бошқарув, ахборот-таҳлил ва назорат тизимини жорий этиш мақсадида, Президентимизнинг 2018 йил 23 августдаги ПҚ-3919-сонли “Ички ишлар органлари бошқарув, назорат ва шахсий таркиб билан ишлашнинг самарали тизимини жорий этиш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори қабул қилинди.

Мазкур қарор билан, қўйидагилар ички ишлар органларининг кундалик фаолиятини ташкил этиш тизимини янада такомиллаштиришнинг устувор йўналишлари этиб белгиланди:

- вужудга келаётган реал тезкор ва криминоген вазиятни ҳисобга олган ҳолда ички ишлар органларининг куч ва воситаларини мувофиқлаштирган тарзда тақсимлаш ва бошқаришнинг самарали механизминини жорий этиш;

- жамоат тартибини сақлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида таҳлилий ишларни аниқланаётган амалий муаммоларни тизимли таҳлил қилиш ва криминоген вазиятни прогностлашга йўналтириш мақсадида тубдан қайта кўриб чиқиш.



Мазкур қарор билан, Ички ишлар вазирлиги Ташкилий-инспекторлик ва ахборот-таҳлил бош бошқармаси, юридик таъминлаш бошқармаси, жисмоний, юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш ва иш юритиш бошқармаси негизида Ички ишлар вазирлигининг **Ташкилий департаменти** ташкил этилди ҳамда Департамент бош бошқармага тенглаштирилган Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг девонини ташкил этиши белгилаб қўйилди.

Департаментнинг асосий вазифалари этиб,

– криминоген вазиятни тизимли **таҳлил** ва **прогноз қилиш**, ундаги ўзгаришларга ўз вақтида муносабат билдириш, ички ишлар органлари фаолиятини жиноятчилик ҳолати ва унга қарши курашиш натижаларини ўрганиш асосида **режалаштириш**;

– ички ишлар органлари фаолияти самарадорлигини **таҳлил қилиш** ва **баҳолаш**, уларни комплекс текшириш ва назорат қилиш, амалий ва услубий ёрдам кўрсатиш, шу жумладан иш натижадорлигини ошириш юзасидан **таклифлар ишлаб чиқиш**;

– Ўзбекистон Республикаси Президенти, Олий Мажлиси ва Вазирлар Маҳкамасининг ички ишлар органлари фаолиятини ташкил этиш соҳасидаги қарорларини ўз вақтида, бир хилда ва тўлиқ бажарилиши устидан **таъсирчан назоратни амалга ошириш**;

– ички ишлар органларининг ҳуқуқни қўллаш амалиётида ягона ҳуқуқий сиёсат ва назоратни ташкил этиш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштириш бўйича **таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш**;

– ички ишлар органлари тизимида махфийлик тартиботига сўзсиз риоя қилинишини таъминлаш, самарали иш юритиш ва ҳужжатлар айланишини ҳамда жисмоний ва юридик шахслар билан ишлаш тизимини йўлга қўйиш белгиланган.

Айтиш мумкинки, Ички ишлар органлари фаолиятида Ташкилий департамент (*бошқарма, бўлим, бўлинмалар*) алоҳида ўрин тутди.

Биргина, пойтахт мисолида Ташкилий бошқарма фаолияти, унинг мустақиллик йилларидаги қисқа тарихи ва бугунги кунда соҳада амалга оширилаётган ишлар ўрганилди.

Тошкент шаҳар ички ишлар органларининг хизмат фаолиятини ташкиллаштириш, соҳавий хизматлар, бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ҳамда жамоатчилик ташкилотлари билан ҳамкорликдаги узвий



фаолиятни тизимли ташкил этишда бевосита Ташкилий бошқарманинг ўрни беқиёс.

1991 йилнинг 2 августидан 1994 йилнинг ноябрь ойига қадар шаҳар ИИББда мазкур тизим Штаб деб юритилади. Ички ишлар вазирининг буйруғига мувофиқ, 1994 йил ноябрь ойида тизимнинг номига ўзгартириш киритилиб, 1999 йилнинг июнь ойига қадар Ташкилий-инспекторлик бошқармаси деб аталди. Бу даврда бошқарма таркибига Ахборот-таҳлил бўлими, Режалаштириш ва назорат қилиш бўлими ва ИИББ инспекцияси кирган.

1999 йилнинг июнь ойидан 2004 йилнинг октябрь ойига қадар ИИБ буйруғига асосан, Ташкилий-инспекторлик бошқармаси Штаб деб қайта номланди ва унинг таркибига Ҳарбий сафарбарлик ишлари ва фуқаролар муҳофазаси бўлими, Жанговар тайёргарлик маркази ҳам киритилди. 2004 йили эса улар Штаб тизимидан ажратилди.

2004 йилнинг октябрь ойида Ташкилий-инспекторлик бошқармаси таркибида Ахборот-таҳлил бўлими, Режалаштириш ва назорат қилиш бўлими, Инспекция ҳамда Навбатчилик қисмидан иборат алоҳида тизим амалиётга жорий қилинди.

Раҳбарият томонидан бошқарма хизматига жиддий эътибор қаратилиб, алоҳида хизмат хоналари ажратилди, улар зарур жиҳозлар ва техник анжомлар билан тўлиқ таъминланди.

2008 йилда шаҳар ИИББда жиноят ва ҳодисаларни қабул қилиш ва қайд этиш автоматлаштирилган ахборот тизимини яратиш чоралари кўрила бошланди. 2009 йилнинг 1 январидан автоматлаштирилган ахборот тизими томонидан тизимга тушган тезкор маълумотларнинг рақамли ва матнли шакллари ҳам киритилиб, автоматлаштирилган ҳолда таҳлиллар олиб борилиши амалиётга тажриба тариқасида киритилди. 2011 йилда ушбу автоматлаштирилган тизим тўлақонли тарзда амалга жорий этилди.

Шунингдек, Ташкилий-инспекторлик бошқармаси Навбатчилик қисмига қўшимча штат бирлиги киритилди. Бундан ташқари, «02» хизматига янги компьютерлар ўрнатилиб, тизимга уланди. Қолаверса «02» хизмат хонаси кенгайтирилиб, таъмирланиб, ходимлар тўлиқ жиҳозланган хизмат хонасида ишлаши учун зарур шароитлар яратилди.

Ўтган давр мобайнида олиб борилган изланишлар, белгиланган режа ва дастурлар асосида тизим тобора такомиллаштирилиб, хабарларнинг қабул қилиниши, рўйхатга олиниши, ҳудудийлик жиҳатидан ўз



ижрочиларига юборилиши ҳамда қонуний ҳал этилиши борасида катта ютуқларга эришилди.

Мухтарам Президентимизнинг 2017 йил 10 апрелдаги «Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончили ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони асосида Ички ишлар вазирлиги Ташкилий-инспекторлик ва ахборот-таҳлил бош бошқармасига, ҳудудий ички ишлар органларидаги ташкилий-инспекторлик бўлимлари ташкилий-инспекторлик ва ахборот таҳлил бошқармаларига айлантирилди.

ИИБ Ахборот-технологиялари, алоқа ва ахборот хавфсизлиги бошқармаси, Ташкилий департамент, Тошкент шаҳар ИИББ томонидан бошқа манфаатдор ва мутасадди таркибий тузилмалар билан ҳамкорликда «Жиноят ва ҳодисалар ҳақидаги хабарларни қабул қилиш ва қайд этишнинг автоматлаштирилган ахборот тизми» («102» тизими)ни янада такомиллаштириш бўйича техник топшириқ лойиҳаси ишлаб чиқилиб, ўрнатилган тартибда тасдиқланди. Ушбу лойиҳа Тошкент шаҳрининг демографик ва географик жиҳатлари, амалдаги «102» тизимини модернизация ва реконструкция қилиш учун белгиланган техник талаблар ва параметрлар ҳамда хорижий давлатларнинг илғор тажрибаларини инобатга олган ҳолда ишлаб чиқилди.

Шунингдек, 2009 йилда ишга туширилган шаҳар ИИББ «102» автоматлаштирилган ахборот тизими ўрнига кенг имкониятларга эга янги автоматлаштирилган ахборот дастури жорий этилди.

Жорий, 2023 йилнинг ўтган 9 оyi мобайнида эса Ташкилий бошқарма томонидан - Бош бошқарма бошлиғи ҳузурида 97 мартаба ички ишлар органлари фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган жами 152 та турли масалаларга доир тезкор йиғилишлар ўтказилиши таъминланди.

Шунингдек, ички ишлар идоралари фаолияти, жиноятларни олдини олиш ва уларга қарши курашиш борасида чорак, ой якунларига бағишланган 16 та тезкор йиғилишларни ўтказиш бўйича йиғилиш материаллари тайёрланди.

Алоҳида таъкидлаш лозимки, жорий йилда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Тошкент шаҳар ИИББга, пойтахтимизнинг бошқа туман ҳудудларига режалаштирилган ташрифларга тайёргалик кўриш борасида



38 та планшетлар, ташриф белгиланган ҳудуднинг криминоген ва бошқа маълумотлари акс эттирилган китоблар ишлаб чиқилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Бош вазир, Сенат раиси ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари раҳбарларининг раислигида ўтказилган видеоселектор йиғилишларига кун тартибига доир **187** та масалаларда ҳужжатлар тайёрланди.

Пойтахт ҳудудида жиноятларни олдини олиш ва ҳамкорликдаги амалга оширилган ишлар юзасидан Президент Администратсиясига 6 та фотоалбом тайёрланиб, юборилди.

Шу билан бирга, пойтахт туманлари **9** маротаба комплекс текширувдан ўтказилди.

Бошқарма ходимлари ташаббуси билан “жиноятчиликка қарши курашиш бўйича Чилонзор тажрибаси” ишлаб чиқилди.


Пойтахт ички ишлар органлари тизимида идоравий назоратни мустаҳкамлаш, соҳавий ва ҳудудий назоратни таъминлаш мақсадида, ИИББ Ташкилий бошқармасидан бириктирилган масъул ходимлар томонидан ҳудудларда хизмат самарадорлигини оширишга қаратилган **210** дан ортиқ амалий ёрдамлар кўрсатилди.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва Тошкент шаҳар ИИББ раҳбарияти томонидан назорат ўрнатилган ҳужжатлар бўйича жами **7 708** та ҳужжатлар назоратга олинди, ижроси таъминланди.

Тошкент шаҳридаги амалга оширилган ишлар каби республиканинг барча ҳудудларида Ташкилий бошқарма (бўлим, бўлинмалари) томонидан иш фаолиятни яхшилашга қаратилган ижобий ишлар амалга оширилмоқда.

Бу борада мазкур соҳада республиканинг воҳа ҳудуди Хоразм, ички ишлар вазирлиги ва пойтахт Тошкент шаҳридаги 10 йиллик иш фаолият давомида эришилган ютуқлар, орттирилган тажриба асосида ўрганишлар ва бевосита хизмат олиб бориш давомида айрим муаммоли масалалар сақланиб қолаётгани кузатилмоқда.

**Биринчидан**, 2018 йил 23 августдаги ПҚ-3919-сонли “Ички ишлар органлари бошқарув, назорат ва шахсий таркиб билан ишлашнинг самарали тизимини жорий этиш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорга асосан ИИБ Ташкилий департамент ходимларининг ойлик иш ҳақиға устама сифатида 30 фоиз қўшимча ҳақ тўлаш белгиланган бўлиб,



ушбу қоида худудий вилоятлар, Тошкент шаҳар ИИББ, ИИБ Ташкилий бошқарма (бўлим, бўлинма)ларда хизмат олиб бораётган ходимларга татбиқ этилмаган.

**Иккинчидан**, соҳа ходимлари томонидан амалга оширилаётган ишларни рейтинг асосида баҳолаш тизими мавжуд эмас.

Муҳтарам Президентимизнинг ва Вазирлар Маҳкамасининг алоҳида қарорлари билан бугунги кунда ички ишлар органларидаги Тезкор хизмат (*Жиноят қидирув ва Терроризмга қарши курашиш*), Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, Йўл-ҳаракати хавфсизлиги, Жамоат тартибини сақлаш, Тергов хизматлари ҳамда Ташкилий бошқарма таркибидаги Навбатчилик қисмлари ходимларини фаолиятини рейтинг асосида баҳолаб, қўшимча рағбатлантириш ёки интизомий таъсир чораларини қўллаш йўлга қўйилган.

Биргина, Йўл-ҳаракати хавфсизлиги хизмати мисолида ўрганилганида, Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 6 июлдаги 514-сонли Қарорига асосан, ҳар ойлик маошларига берилаётган устама, ойлик ва чораклик рағбатлантириш пулларида ташқари, ЙПХ инспекторларининг ой давомида расмийлаштирган маъмурий баённомалари асосида рейтинг баллари ҳисобланиб, ундирилган пул миқдоридан келиб чиқиб, ҳар ойда ойлик маошига қўшимча рағбатлантириш тариқасида устама бериш тартиби жорий этилди.

Бунда ҳар бир қоидабузарлик тури бўйича рейтинг баллари йиғиб борилади ва ой якунида ўша баллари асосида қўшимча устама берилади.

Мисол учун, хавфсизлик камаридан фойдаланмаган ҳайдовчини аниқлаган ЙПХ инспекторига **1** балл ҳисобланса, маст ҳайдовчини аниқлаган ёки ИИБ ходимига бўйсунмаслик ҳолатини расмийлаштирган ЙПХ инспекторига **25** балл ҳисобланади, рейтинг баллари қанча кўп бўлса, шунча кўп қўшимча пул олади.

Бу эса, ички ишлар органларида хизматни ташкил этишдаги асосий муҳим рол ўйновчи, ички ишлар органлари фаолияти самарадорлигини бевосита таҳлил қилиш ва баҳолаш, шу асосда режалаштириш ҳамда иш натижадорлигини ошириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш, берилган топшириқларнинг бир хилда ва тўлиқ бажарилиши устидан таъсирчан назоратни амалга ошириш фаолияти билан шуғулланувчи соҳа ходимлари хизмат фаолияти самарадорлигига салбий таъсир ўтказмай қўймайди.

**Юқорида келтирилган мулоҳазаларга асосан, қуйидаги таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди:**

Бунда, Ички ишлар органларида Ахборот-таҳлилий фаолиятни янада такомиллаштиришга доир Президент қарори лойиҳасини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ.

Мазкур қарор билан ИИВ Ташкилий департамент ходимлари билан бирга, қуйи тизим ходимларига ҳам ойлик маошига қўшимча 30 фоизлик устама ҳақ тўланишини белгилаш, шунингдек қарорга илова сифатида Ташкилий департамент ходимларининг иш фаолиятини рейтинг асосида баҳолаш тизимини жорий этиш лозим.

Шунингдек, ички ишлар органларида Ташкилий Департамент ва унинг қуйи тизимларида ташкилий-штат тузилмаларини қайта кўриб чиқиш ва штат тузилмалари бўйича аниқ меъёрлаш белгилаш, соҳада тезкор йиғилишларни ташкил этиш, халқаро ҳамкорликни ўрганиш ва татбиқ этиш, кадрлар билан ишлаш каби бўлим, бўлинмалар ташкил этиш масаласини кўриб чиқиш зарур.

**Хулоса ўрнида,** Муҳтарам Президентимиз ташаббуслари билан “2017 - 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси” ва унинг давоми сифатида “2022 - 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси”, шунингдек “Ўзбекистон -2030” стратегиясида белгиланган устувор вазифа ҳамда мақсадларга чамбарчас тарзда ички ишлар органларининг ахборот-таҳлил фаолиятини такомиллаштириш тизим иш фаолияти самарадорлигини яхшилашга хизмат қилишини таъкидлаш лозим.

